

551 - сон билан  
рўйхатга олинган

“КЕЛИШИЛГАН”



Ўзбекистон Республикаси  
Алоқа, ахборотлаштириш ва  
телекоммуникация технологиялари  
давлат қўмитаси раиси

Х. М. Мирзахидов

2013 йил “10” 10

“ТАСДИҚЛАНДИ”

“Асака” банк (ОАЖ)  
Бошқарувининг

2013 йил “12” ноябрь даги

293 - сонли Қарори

“Асака” банк (ОАЖ)нинг  
Ахборот технологиялари Департаменти тўғрисидаги  
Н И З О М И

“Асака” банк (ОАЖ)нинг (кейинчалик матнда “Асака” банки) Ахборот технологиялари Департаменти (кейинчалик Департамент) ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига, Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ва “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президент Фармонларига, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси Қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатларига, “Асака” банки Низомига, “Асака” банк раҳбариятининг кўрсатма ва фармойишлари ва ушбу Низомга амал қилади.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев томонидан 2013 йил 22 майда тасдиқланган “Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг АҚТни тадбиқ этиш ва ривожлантиришга масъул бўлган ихтисослаштирилган бўлинмалар фаолиятини янада такомиллаштириш Чора-тадбирлари режаси” талабларига асосан ишлаб чиқилган.

1. Умумий қондалар

1.1. Департамент “Асака” банкининг мустақил таркибий бўлинмаси бўлиб, Департамент бошлиғи “Асака” банк Бошқарув раиси ва ўринбосарига бевосита бўйсунди.

1.2. Департамент “Асака” банки Бошқаруви раисининг қарорига кўра ташкил қилинади ва тугатилади.

1.3. Департамент фаолиятини “Асака” банк Бошқарув раисининг ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимоли ҳақидаги буйруқ билан тайинланган ва алоқа, ахборотлаштириш ва ахборот технологияларини тадбиқ этиш фаолиятини назорат қилувчи ва бошқарувчи Бошқарув раиси ўринбосарига бевосита бўйсунди.

1.4. Департамент ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий ва ташкилий бўлинмалари, бошқа идора ва вазирликларнинг тегишли бўлинмалари билан узвий алоқада олиб боради.

